

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ  
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МАШАРИПОВА ДИЛЯФРУЗ РАХМАТИЛЛАЕВНА**

**БУЙРАКЛАР ДИСФУНКЦИЯСИ БИЛАН СУРУНКАЛИ ЮРАК  
ЕТИШМОВЧИЛИГИ БОР БЕМОРЛАРДА АНГИОТЕНЗИН  
АЛМАШТИРУВЧИ ФЕРМЕНТ ГЕНИ ПОЛИМОРФИЗМИГА БОҒЛИҚ  
ҲОЛДА КАСАЛЛИК КЛИНИК КЕЧИШИ ВА ПРОГНОЗИНИ ЎРГАНИШ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Машарипова Диляфруз Рахматиллаевна**

Буйраклар дисфункцияси билан сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда ангиотензин алмаштирувчи фермент гени полиморфизмига боғлиқ ҳолда касаллик клиник кечиши ва прогнозини ўрганиш..... 3

**Машарипова Диляфруз Рахматиллаевна**

Изучение клинического течения и прогноза у больных хронической сердечной недостаточностью с дисфункцией почек в зависимости от полиморфизма гена ангиотензинпревращающего фермента ..... 21

**Masharipova Dilyafruz Raxmatillayevna**

Study of the clinical course and prognosis in patients with chronic heart failure with renal dysfunction depending on the polymorphism of the angiotensin-converting enzyme gene..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published work ..... 42

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ  
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**МАШАРИПОВА ДИЛЯФРУЗ РАХМАТИЛЛАЕВНА**

**БУЙРАКЛАР ДИСФУНКЦИЯСИ БИЛАН СУРУНКАЛИ ЮРАК  
ЕТИШМОВЧИЛИГИ БОР БЕМОРЛАРДА АНГИОТЕНЗИН  
АЛМАШТИРУВЧИ ФЕРМЕНТ ГЕНИ ПОЛИМОРФИЗМИГА БОҒЛИҚ  
ҲОЛДА КАСАЛЛИК КЛИНИК КЕЧИШИ ВА ПРОГНОЗИНИ ЎРГАНИШ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Tib748 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cardiocenter.uz](http://www.cardiocenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz))да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Камилова Умида Кабировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Мухамедова Муяссар Гафурджановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Сабиров Максуд Атабаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «6» сентябрь соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57, e-mail: [info@cardiocenter.uz](mailto:info@cardiocenter.uz))

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (13 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улугбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57.

Диссертация автореферати 2021 йил «22» декабрь тарқатилди.

2021 йил «22» декабрь даги 13 рақамли реестр бўенномаси.



**Р.Д.Курбанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

**Г.У.Мудлабаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори

**А.Б.Шек**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) дунё миқёсида энг кўп тарқалган бўлиб, ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабаби эканлигича қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра «... ЮҚТК дан ҳар йили 17,9 миллион киши вафот этади, бу эса дунёдаги барча ўлимларнинг 30%ини ташкил қилади...»<sup>1</sup>. Кўп марказли тадқиқотлар маълумотларига кўра, ЮҚТКдан ўлим сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) бўлган беморларда кўпроқ учрайди. СЮЕ билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясининг мавжудлиги салбий клиник натижанинг предиктори эканлигини белгилайди ва у СЮЕда 25% дан 60% гача тарқалган. Коптокчалар фильтрация тезлигининг (КФТ) пасайиши ЮҚТКда салбий прогнознинг белгиси сифатида қабул қилинган: КФТ<60 мл/дақиқа/1,73м<sup>2</sup> ни ашқил этган беморларда ўлим хавфи 2,1 баравар ортади. Касаллик ривожланишининг дастлабки босқичлари касалликнинг клиник белгиларини эрта аниқлашда сезгир клиник, лаборатория ва генетик усулларни қўллаш долзарб вазифадир.

Жаҳонда СЮЕнинг клиник-диагностик асослари ва уларни даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда беморларда касаллик кечишининг клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш, унинг турли шаклларида нейрогуморал маркерларини аниқлаш; беморларда молекуляр генетика усулларини қўллаган касалликни эрта аниқлаш ва прогнозлаш жараёнларини баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шулар билан бир қаторда сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункциясини объектив баҳолаш усулларини такомиллаштириш, касаллик этиопатогенезининг янги жиҳатларини ва эрта белгиларини очиб бериш, касаллик ривожланиши ва кечишини прогнозлаш, ҳамда патогенетик йўналтирилган даволаш услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизмат тизимни жаҳон талабларига мослаштириш, жумладан юрак-қон томир касалликларини эрта ташхислаш орқали унинг асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда сурункали юрак етишмовчилиги касалликларда клиник-генетик ўзгаришларни ташхислаш ва касаллик ривожланиш хавфини прогнозлашни такомиллаштириш ҳамда

<sup>1</sup> World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm>; 2014

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

ногиронлик ва салбий оқибатларга олиб келувчи сабабларини камайтириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида VI «Тиббиёт ва фармакология» йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Охириги йилларда қатор тадқиқотлар юрак-қон томир касалликлари патогенетик механизмларини ўрганишга бағишланган (Congrad N., 2019; Мареев Ю.Н., 2020). СЮЕ патогенезида ренин-ангиотензин-альдостерон тизимининг (РААТ) аҳамияти ўрганилган ва касалликнинг шаклланиши, кечиши ва прогнозининг муҳим омили бўлган нейрогуморал омилларни баҳолаш даволаш ва профилактика чораларини ишлаб чиқишда муҳим ўрни кўрсатилган (Albert N.M., 2021; Беленков Ю.Н., 2020).

РААТ тизими гуморал омилларининг фаоллашуви буйраклар фаолиятига ҳам таъсир қилиши аниқланган (Ames M.K. et al. 2019; Арутюнов Г.П., 2019). Бир қатор тадқиқотларда СЮЕ билан касалланган беморларда буйраклар дисфункцияси (БД) ривожланиши касаллик прогнозини ёмонлаштириши ва КФТнинг пасайиши салбий прогностик омил сифатида кўрсатилган (Banerjee D., 2021). Бу беморларда креатинин (Кр) миқдорининг ошиши ва КФТнинг пасайиши худди чап қоринча отилиш фракцияси (ЧҚ ОФ)нинг пасайиши каби салбий прогнознинг мустақил белгилари сифатида қабул қилинади (Kim H.J., 2019). Буйрак дисфункцияси билан кечувчи СЮЕни даволашнинг замонавий тамойиллари дори воситаларининг нефропротектив самарадорлигига асосланиши зарурлиги исботланган (McCallum W, 2019; Агеев Ф.Н., 2019).

Ўзбекистонда СЮЕ ривожланиши ва патогенезида РААТ тизими нейрогуморал омилларини ўрганиш ва улар генетик полиморфизмининг юрак-қон томир касалликларининг шаклланишидаги ролини аниқлаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган, жумладан: сурункали юрак етишмовчилигида нейрогуморал омилларни эрта ташхислаш ва даволаш (Қурбонов Р.Д., 2017; Абдуллаев Т.А., 2018; Курбанов А.К., 2019), касалликнинг ривожланишида номзод генлар полиморфизмидаги ўзгаришларнинг ўзига хослигини баҳоланган (Қурбонов Н.А., 2018; Гадаев А.А., 2019; Камилова У.К., 2019), аммо сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар бироқ, сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланиши хусусиятлари, бу жараёнда ангиотензин

айлантирувчи ферментнинг генетик хусусиятлари ўзгаришлари ташхисотини илмий асослашга қаратилган ишлар бажарилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланишини эрта аниқлашда гуморал омилларни янги тамойилларини асослаб бериш, буйраклар функцияси ўзгаришини ташхислашда ва башоратлашда клиник-функционал ва генетик синама усулларини такомиллаштириш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти АДСС 15.15.2 «Буйраклар дисфункцияси билан кечувчи сурункали юрак етишмовчилиги ва спондилоартритларни клиник-генетик хусусиятлари ва юрак-қон томир ремоделланишини ҳисобга олган ҳолда янги ташхислаш усулларини, кечуви башорати ва фармакотерапияси янги усулларни ишлаб чиқиш» амалий лойиҳаси доирасида амалга оширилди (2015-2017йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** буйраклар дисфункцияси билан кечган сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда ангиотензинга айлантирувчи фермент генининг I/D полиморфизми билан боғлиқ ҳолда касаллик клиник кечиши ва прогнозини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар функционал ҳолати кўрсаткичларини касаллик кечиши билан боғлиқ ҳолда баҳолаш;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда гуморал омиллар – ангиотензин II ва альдостерон кўрсаткичларини буйраклар функционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш;

буйраклар дисфункцияси билан кечган сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда ААФ гени I/D полиморфизми хусусиятлари ва прогностик мезонларини аниқлаш;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункцияси хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда лизиноприл ва лозартаннинг қиёсий самарадорлигини баҳолаш

сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар функционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда касаллик кечишини прогнозлаш усулларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида стационар шароитда даволанган 136 та I-III функционал синф (ФС) сурункали юрак етишмовчилиги бўлган (NYHA бўйича) юрак ишемик касаллиги (ЮИК) билан касалланган беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида сўровномалар, функционал, биокимёвий, иммунофермент ва молекуляр-генетик тадқиқотлар натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда клиник, инструментал, биокимёвий, иммунофермент, генетик, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланишида ААФ гени I/D полиморфизмининг прогностик аҳамияти устунлиги исботланган;

илк маротаба ўзбек миллатига мансуб сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланишида ААФ гени I/D полиморфизми генининг молекуляр-генетик детерминантлари аниқланган;

ангиотензинга айлантирувчи фермент генининг D/D генотипининг буйраклар дисфункцияси билан бирга кечувчи оғир сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишининг белгиси сифатида роли аниқланган;

буйраклар дисфункциясини ҳисобга олган ҳолда сурункали юрак етишмовчилиги кечишини эрта прогноз қилишга ёндашув такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

тадқиқот асосида сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланиш хавфини баҳолаш учун эрта прогностик мезонлар ишлаб чиқилган;

беморларда клиник-функционал ва молекуляр-генетик кўрсаткичлар мезонлари асосида буйраклар дисфункцияси зўрайиши предикторлари аниқланган;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясининг клиник-генетик кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда касаллик кечишини эрта прогнозлаш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга зарурий клиник, биокимёвий, иммунофермент, генетик ҳамда статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланишининг клиник - патогенетик ва генетик жиҳатларини таҳлил қилишда ҳорижий ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққослангани, хулоса ва олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади..

**Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункциясини ривожланиши ва прогнозланишида ангиотензинга айлантирувчи фермент ген полиморфизмининг генетик хусусиятларининг аҳамиятини асослашдир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункцияси ривожланишини эрта аниқлаш ва касаллик кечишини прогнозлаш ҳамда даволаш тамойилларини мувофиқлаштириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйрак дисфункциясининг клиник-диагностик асослари ва уларни даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини эрта аниқлаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 декабрдаги 8н-д/268-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда буйрак функцияси ўзгаришларини ташхислашни самарали амалга ошириш имконини берган;

сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда буйраклар дисфункциясини клиник-диагностик асослари ва уларни даволашни



такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик клиник шифохонаси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 декабрдаги 08-09/18400-сонли маълумотномаси). Олинган натижалар сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункциясини эрта ташхислаш, касаллик клиник кечишини прогнозлаш, асоратларини олдини олишга имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 34 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 таси Республика ва 2 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 4 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқот долзарблиги ва талабга мослиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети билан тавсифланган, республика илм-фан ва технологиянинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилигида буйраклар дисфункцияси ривожланишининг клиник-генетик асослари**» деб номланган биринчи бобида юрак қон-томир тизими касалликларида буйраклар дисфункциясини ривожланиш патогенезида ренин-ангиотензин-альдостерон тизимининг аҳамияти ва унинг генетик детерминантлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункциясини аниқлаш методологияси**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқот усуллари ва натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Ўзбек миллатига мансуб СЮЕ билан хасталанган 35-60 ёшдаги Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида стационар шароитда даволанган 136 та I-III функционал синфли сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморлар тадқиқотга олинган. Уларнинг ўртача ёши  $58,8 \pm 4,7$  ёшни ташкил этди. Беморлар олти дақиқали юриш

синамаси (ОДЮС) ва кардиологларнинг Нью-Йорк Ассоциацияси таснифига асосан СЮЕ ФС бўйича гуруҳларга ажратилди. I ФС гуруҳига 31 (22,8%) бемор ташкил этди, II ФС гуруҳини 63 (46,3%) бемор ва III ФСни 42 (30,9%) бемор ташкил этди.

Беморлар қабул қилган оптимал медикаментоз терапия қуйидагича эди: АПФ ингибиторларини 50,7% беморлар, АРБлар – 49,3%, БАБ – 100%, диуретиклар – 48%, спиронолактон – 39%, эплеренон – 37%, аспирин – 100%, нитратлар – 24%, статинлар беморларнинг 94%и қабул қилган.


Барча беморлар кенг қамровли текширувдан ўтказилди: олти дақиқалик юриш тести (ОДЮС), клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ), ЭКГ, клиник-биокимёвий текширувлар, доплерография билан эхокардиография (ЭхоКГ). Қон плазмасида ангиотензин II ва альдостерон (Ал) миқдори «Humareader» HS (Германия) аппаратида «Sprinreact» (Испания) ва «DBC» (Канада) реагентлари ёрдамида иммунофермент таҳлил (ИФТ) ёрдамида аниқланди. ААФ-ангиотензин айлантирувчи фермент гени I/D полиморфизми Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий маркази лабораториясида ПЗР усулида ўрганилди. Коптокчалар фильтрацияси тезлиги (хКФТ) ҳисоблаш йўли орқали СКД – EPI формуласи орқали аниқланди.

Истисно мезонлари қуйидагилардан иборат: жигар ва буйрак функциялари бузилиши билан кечувчи касалликлар, сурункали ўпка обструктив касаллиги, мураккаб аритмиялар, қандли диабет; анамнезда бош мия ўткир қон айланиш бузилишлари ўтказганлиги.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда касаллик кечишида буйраклар дисфункциясининг роли**» деб номланган учинчи бобида сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда буйраклар дисфункцияси билан боғлиқ ҳолда касалликнинг кечиш хусусиятлари таҳлил қилинган.

СЮЕ I-III ФС бўлган беморларда хКФТ кўрсаткичи таҳлили шуни кўрсатдики, 60 (44,1%) та беморда  $xKFT \leq 60$  мл/дақиқа ва 76 (55,9%) та беморда  $xKFT > 60$  мл/дақиқа бўлганлиги кузатилди (1-расм).  $KFT \leq 60$  мл/дақиқа сезиларли даражада пасайган беморлар сони СЮЕ III ФС бўлган беморларда ишончли кўпроқ кузатилди.

СЮЕ I ФС бўлган беморларда – Кр, хКФТ мос равишда  $83,73 \pm 14,29$  мкмоль/л ва  $73,5 \pm 13,2$  мл/дақиқани ташкил этди, бунда Кр ва хКФТ кўрсаткичлари беморларнинг ёши кўрсаткичларига мос эди. СЮЕ II ФС бўлган беморларда - Кр ва хКФТ мос равишда  $91,9 \pm 13,39$  мкмоль/л ва  $71,2 \pm 13,7$  мл/дақиқа; СЮЕ III ФС бўлган беморларда мос равишда -  $102,3 \pm 15,4$  мкмоль/л ва  $67,3 \pm 11,9$  мл/дақиқани ташкил этди. СЮЕ II ФС бўлган беморларда СЮЕ I ФС бўлган беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан КФТнинг пасайиши ва Кр нинг ўсиши тенденцияси кузатилди, ҳамда улар статистик аҳамиятга эга бўлган қийматларга эришмади. СЮЕ III ФС бўлган беморларда СЮЕ I ФС бўлган беморлар кўрсаткичлари билан солиштирганда Кр миқдори ишончли 13,1%га юқори бўлди ( $p < 0,05$ ) ва хКФТ нинг мос равишда 10,8% ( $p < 0,05$ ) га пасайиши кузатилди.



Изоҳ: - гуруҳлар ўртасидаги ишончлик: \* -  $p < 0,05$

**1-расм. СЮЕ билан касалланган беморларда буйрақларнинг функционал ҳолати кўрсаткичлари**

СЮЕнинг  $\chi\text{КФТ} \leq 60$  мл/дақиқа бўлган беморлар гуруҳида  $\chi\text{КФТ} > 60$  мл/дақиқа бўлган беморлар гуруҳидаги кўрсаткич билан солиштирганда  $K_p$  кўрсаткичи 40% ( $p < 0,05$ ) юқори ва  $\chi\text{КФТ}$  кўрсаткичи 32% ( $p < 0,01$ ) га паст эканлиги аниқланди.

СЮЕ клиник кечиши параметрларини ўрганиш - ОДЮС, КХБШ ва уларни КФТга қараб таҳлил қилиш  $\chi\text{КФТ} > 60$  мл/дақиқа бўлган беморлар гуруҳига нисбатан  $\chi\text{КФТ} \leq 60$  мл/дақиқа бўлган беморларда ушбу параметрларда сезиларли фарқларни кўрсатди.  $\chi\text{КФТ} \leq 60$  мл/дақиқа бўлган беморларда ОДЮС кўрсаткичи  $304,9 \pm 81,2$  метрни ва КХБШ балларининг йиғиндиси мос равишда  $6,93 \pm 2,0$  баллни ташкил этди.  $\chi\text{КФТ} > 60$  мл/дақиқа бўлган беморларда: КХБШ ва ОДЮС  $6,1 \pm 2,3$  балл ва  $348,4 \pm 84,6$  метрни мос равишда ташкил этди.  $\chi\text{КФТ} \leq 60$  мл/дақиқа бўлган беморларда ушбу кўрсаткичлар  $\chi\text{КФТ} > 60$  мл/дақиқа бўлган беморлар билан солиштирганда мос равишда ОДЮС кўрсаткичи 14,1% ( $p < 0,05$ ) пастроқ ва КХБШ 16% ( $p < 0,05$ ) га юқори эди.  $\chi\text{КФТ}$  нинг ОДЮС натижалари билан сезиларли боғлиқлиги  $\chi\text{КФТ} \leq 60$  мл/дақиқадан камроқ ва  $\chi\text{КФТ} > 60$  мл/дақиқадан ортиқ бўлган беморлар гуруҳларида аниқланди.  $\chi\text{КФТ} \leq 60$  мл/дақиқа ва  $\chi\text{КФТ} > 60$  мл/дақиқа бўлган беморлар гуруҳларида  $\chi\text{КФТ}$  ва ОДЮС кўрсаткичлари ўртасида ўртача тўғри корреляция ( $r = 0,41$ ,  $r = 0,48$ ) кузатилди.

СЮЕ билан касалланган беморларда эхокардиографик текширув натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, СЮЕ даражасининг ошиши билан ЧҚ миокардининг систолик функциянинг асосий кўрсаткичи сифатида чап қоринча (ЧҚ) отилиш фракцияси (ОФ) аста-секин камайиб боради. Беморларнинг иккала гуруҳидаги бошланғич қийматлар статистик жиҳатдан муҳим фарқларсиз бир-бири билан таққосланган. Биз  $\chi\text{КФТ}$  га қараб СЮЕ бўлган беморларда юракни ремоделланиш параметрларини таҳлил қилдик.  $\chi\text{КФТ} \leq 60$  мл/дақиқа (60 та бемор) ва  $\chi\text{КФТ} > 60$  мл/дақиқа (76 та бемор) бўлган беморларда структуравий ва геометрик параметрларни ва ЧҚ диастолик функциясини таҳлил қилиш сезиларли фарқларни кўрсатди. СЮЕ билан касалланган беморларда буйрақлар дисфункцияси даражасининг ошиши билан ЧҚ отилиш фракцияси систолик функциянинг асосий кўрсаткичи сифатида босқичма-босқич камайди. Тадқиқот натижалари шуни

кўрсатдики,  $\text{хКФТ} > 60$  мл/дақиқа бўлган беморларда ОФ мос равишда -  $52,6 \pm 5,3\%$ , ва  $\text{хКФТ} \leq 60$  мл/дақиқа бўлган беморларда ОФ -  $45,5 \pm 6,1\%$  ни ташкил қилди.  $\text{хКФТ} > 60$  мл/дақиқа бўлган СЮЕ мавжуд беморларда охирги диастолик ўлчам ва охирги диастолик ҳажм мос равишда:  $5,16 \pm 0,42$  см ва  $151,5 \pm 18,9$  мл;  $\text{хКФТ} \leq 60$  мл/дақиқа бўлган беморларда эса мос равишда:  $6,24 \pm 0,89$  см ва  $179,6 \pm 15,8$  млни ташкил этди. Тадқиқот натижалари бўйича  $\text{хКФТ} > 60$  мл/дақиқа бўлган беморларда охирги систолик ўлчам (ОСЎ) ва охирги систолик ҳажм (ОСХ) мос равишда  $4,23 \pm 0,35$  см ва  $90,1 \pm 4,2$  мл,  $\text{хКФТ} \leq 60$  мл/дақиқа бўлган беморларда  $5,49 \pm 0,21$  см ва  $113,6 \pm 8,7$  мл эди. Тадқиқот шуни кўрсатдики,  $\text{хКФТ} > 60$  мл/дақиқа бўлган беморларга нисбатан  $\text{хКФТ} \leq 60$  мл/дақиқа бўлган беморларда: ОФ  $13,5\%$  га ( $p < 0,05$ ) паст, ОДХ -  $18,5\%$  га ( $p < 0,05$ ) ва ОСХ  $21\%$  га ( $p < 0,05$ ) юқори эди. Буйраклар дисфункцияси билан кечган СЮЕ беморларда  $\text{хКФТ}$  ва ЧҚ ОФ ўртасида ўртача тўғри корреляция ( $r = 0,52$ ) кузатилди.

Диастолик функция кўрсаткичларини баҳолаш шуни кўрсатдики, СЮЕ билан касалланган беморларда изоволюмик бўшашиш вақти (IVRT) ва чап қоринча кечиктирилган эрта диастолик тўлиш (DT) кўрсаткичлари ортиши билан нормал Е / А қийматлари бўлиши мумкин, ва бу ташхислашда ҳисобга олиниши керак.  $\text{КФТ} > 60$  мл/дақиқа бўлган текширилган беморларда 15 та беморда релаксация бузилиши, 12 та беморда - псевдонормал, 10 та беморда - рестриктив тури бузилишлар аниқланган.  $\text{КФТ} \leq 60$  мл/дақиқа бўлган беморлардан 20 та беморда изоляцияланган бўшашиш бузилиши, 12 та беморда - псевдонормал тур ва 13 та беморда рестриктив турдаги бузилиш мавжуд эди. ЧҚ нинг систолик-диастолик функцияси ва  $\text{хКФТ}$  кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик аниқланди:  $\text{хКФТ} \leq 60$  мл/дақиқа бўлган беморларда ЧҚ эрта тўлиш тезлиги - Е ни  $9,7\%$  га ( $p < 0,05$ ), ОФ -  $13,5\%$  га ( $p < 0,05$ ) паст бўлиб, бу  $\text{хКФТ} > 60$  мл/дақиқа бўлган беморлар гуруҳининг ушбу кўрсаткичлари билан солиштирганда ишончли паст эканлиги аниқланди.  $\text{хКФТ}$  ва ЧҚ эрта тўлиш тезлиги - Е орасида ( $r = 0,41$ ) ўртасида ўртача тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди. ОФ ва  $\text{хКФТ}$  кўрсаткичларининг олинган натижалари ОДЮС билан таҳлил қилинганда, ОДЮС масофасининг ОФ ва  $\text{хКФТ}$  кўрсаткичларига нисбатан юқори тўғридан-тўғри корреляция боғлиқлиги аниқланди ( $r = 0,77$ ,  $r = 0,75$ ).


СЮЕда буйракларнинг функционал бузилишларига қараб гуморал омиллар даражаси ўртасидаги муносабатлар  $\text{хКФТ}$  билан боғлиқ бўлган қон плазмасида АТ II ва Ал нинг ишончли даражада ошишини кўрсатди. СЮЕ I ФС бўлган беморларда АТ II кўрсаткичлари назорат гуруҳига қараганда 1,5 марта ва Ал 1,3 марта ( $p < 0,05$ ) юқори эди. СЮЕ II ФС бўлган беморларда АТ II кўрсаткичлар даражаси 2,2 марта ( $p < 0,05$ ) ва Ал 1,6 марта ( $p < 0,001$ ) юқори бўлди. СЮЕ III ФС бўлган беморларда бу кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан 2,9 марта ва 1,8 марта ( $p < 0,001$ ) мос равишда юқори эканлиги кузатилди. СЮЕ I-III ФС бўлган беморларда гуморал омилларни таҳлил қилишда РААТ кўрсаткичларининг II ФС бўлган беморларда ўрта-юқори даражалари, III ФС да эса юқори даражалари устунлик қилди. СЮЕ билан касалланган беморларда АТ II ва Ал гуморал омилларининг кўпайиши СЮЕ ФС ва буйракларнинг функционал ҳолати билан ассоцирланди, III ФС бўлган беморларда  $\text{КФТ} \leq 60$  мл/дақиқа бўлганда АТ II ва Алнинг юқори даражасининг устунлиги аниқланди ва улар  $818,3 \pm 53,6$  пг/мл ва  $325,0 \pm 46,3$  пг/млни ташкил этди. АТ II кўрсаткичи  $\text{КФТ} > 60$  мл/дақиқа бўлган беморларда  $431,6 \pm 53,6$  пг/мл ва  $\text{КФТ}$

≤60 мл/дақиқа беморларда 649,9 пг/млни ташкил этди. Ал кўрсаткичи КФТ>60 мл/дақиқа бўлган беморларда 283,6 пг/млни ва КФТ ≤60 мл/дақиқа беморларда 384,5 пг/млни ташкил этди. Натижалар ушбу кўрсаткичларни Ал КФТ ≤60 мл/дақиқа гуруҳида ишончли юқори бўлганини кўрсатди ва улар ўртасидаги тескари корреляцион боғлиқликни (мос равишда  $r=-0,62$ ,  $r=-0,55$ ) аниқлади.

Шундай қилиб, буйраклар дисфункцияси бўлган СЮЕ билан касалланган беморларда АТ II, Ал гуморал омиллар миқлорининг сезиларли ўсиши кузатилади ва шу билан бирга, КФТ≤60 мл/дақиқа бўлган беморларда бу кўрсаткичларнинг юқори миқдорлари устунлик қилади.

Диссертациянинг «Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда буйраклар дисфункциясида ангиотензинга айлантирувчи фермент генининг I/D полиморфизмининг хусусиятлари ва прогностик аҳамияти» деб номланган тўртинчи бобида сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда буйраклар дисфункциясида ангиотензин айлантирувчи фермент генининг I/D полиморфизми хусусиятларини таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

РААТнинг асосий бўғинларидан бири ААФ ҳисобланади. Ҳажми 22 т.п.н. бўлган ААФ гени 17-хромосомада (17q23) жойлашган бўлиб, 26 экзон ва 25 интрондан иборат. Ферментнинг мРНК соматик шакли ҳажми 4,5 т. п. ню га тенг. 16-интронда I/D типидagi ААФ генининг полиморфизми (insertion/deletion) ҳисобланиб, бу қондаги ААФ фаоллиги билан боғлиқ: I/I генотип ташувчилари ферментнинг энг паст даражасига эга, D/D генотиби бўлганларда у максимал даражага эга (2-расм).



2-расм. ААФ генининг молекуляр локализацияси (17q23)

Ўзбек миллатига мансуб СЮЕ билан касалланган 114 нафар беморда ААФ генининг генетик детерминантлари ўрганилди. Назорат гуруҳига 51 нафар ўзбек миллатига мансуб эркаклар кирди. Гуруҳлар ёш бўйича мутаносиб эди.

ААФ генининг I/D полиморфизмининг аллель ва генотипик вариантлари учрашини таҳлил қилиш, функционал салбий D аллели назорат гуруҳида 40,2% ва беморларда 51,4% ҳолларда учрашини кўрсатди ( $\chi^2=2,9$ ;  $p=0,08$ , OR=1,7; 95% CI 0.9408, 2.634). Генотипларнинг учраши қиёсланганда функционал жиҳатдан салбий I/D ва D/D генотиплар СЮЕ шаклланиши учун хавф аҳамиятига эга эканлиги қайд этилди ( $\chi^2=1,3$ ;  $p=0,06$ , OR=1,6; 95% CI 0.7166, 3.522;  $\chi^2=4,3$ ;  $p=0,04$ , OR=3,35; 95% CI 0.6141, 2.966 мос равишда) (1-жадвал).

Генетик тадқиқотлар таҳлилини ҳисобга олган ҳолда, ўрганилаётган ААФ ген полиморфизмининг D аллели ва D/D генотипининг СЮЕ ривожланиш хавфини оширишга кўшган прогностик ҳиссаси баҳоланди. ААФ генининг I/D полиморфизмининг функционал салбий D аллелининг ташувчиларда I аллелини ташувчиларга қараганда СЮЕ шаклланиш хавфи 1,6 барабар юқори эканлиги аниқланди ( $\chi^2=4,7$ ;  $p=0,04$ ; OR=1.6; 95% CI 1.03, 2.654) ва бу аллель СЮЕ

ривожланиш хавфи ортишининг муҳим детерминанти ҳамда касаллик кечишининг салбий прогностик омили эканлиги аниқланди. ААФ генининг I/D полиморфизмининг салбий D/D генотипининг СЮЕ билан касалланган беморларда назорат гуруҳига қараганда 1,7 баравар кўпроқ учраши кузатилди.

СЮЕ I ФС бўлган беморлар гуруҳида ва назорат гуруҳида ААФ генининг I/D полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг учрашини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ААФ генининг I/D полиморфизмининг I аллели назорат гуруҳида СЮЕ I ФС бўлган гуруҳ беморларига қараганда статистик жиҳатдан ишончли даражада кўп учради ( $\chi^2=4.7$ ;  $p=0.03$ ). Аллель учун имкониятлар нисбати OR = 2,3 (95% CI: 1.074-5,091) ни ташкил этди, ушбу аллелни ташиш СЮЕ ривожланишида ижобий прогноз омили сифатида кўриб чиқишга имкон берди.


### 1-жадвал

#### СЮЕ билан касалланган беморларда ААФ генининг I/D полиморфизми учун ХВМ бўйича генотипларни тақсимланишида кутилаётган ва кузатилган частоталари

| Генотиплар | СЮЕ I-III ФС бемор гуруҳлари |             |          |       | Назорат гуруҳи       |             |          |       |
|------------|------------------------------|-------------|----------|-------|----------------------|-------------|----------|-------|
|            | Генотиплар частотаси         |             | $\chi^2$ | p     | Генотиплар частотаси |             | $\chi^2$ | p     |
|            | Кузатилаётган                | Кутилаётган |          |       | Кузатилаётган        | Кутилаётган |          |       |
| I/I        | 0,34                         | 0,22        | 7,0      | <0,05 | 0,47                 | 0,36        | 1,819    | <0,05 |
| I/D        | 0,26                         | 0,5         | 12,7     |       | 0,25                 | 0,48        | 5,412    |       |
| D/D        | 0,39                         | 0,28        | 5,7      |       | 0,27                 | 0,6         | 4,026    |       |
| Жами       | 1,0                          | 1,0         | 25,4     |       | 1,0                  | 1,0         | 11,257   |       |

Тадқиқотлар натижаси СЮЕ II ФС ва III ФС бўлган беморларнинг гуруҳларида ААФ генининг I/D полиморфизми аллеллари I ва D орасида ( $\chi^2=7,7$ ;  $p=0,005$ ; OR=2,3; 95% CI 1.278, 4.295) ва ушбу локусдаги D/D генотипининг учраши билан ишончли фарқларни аниқлади ( $\chi^2=6,6$ ;  $p=0,01$ ; OR=3,1; 95% CI 1.289, 7.33). Шундай қилиб, ААФ генининг D аллели ва D/D генотипининг нафақат СЮЕ ривожланиш хавфи билан, балки СЮЕ нинг оғирлик даражаси билан ҳам боғлиқ бўлиб, D аллели учраши СЮЕ нинг салбий кечиши ривожланиш хавфини 2,3 баравар, D/D генотиби учун 3,1 баравар ортишини кўрсатди ва ААФ генининг D аллели ва D/D генотиби СЮЕ нинг салбий кечишининг генетик омили сифатида қайд этилди. Шу сабабли, ААФ генининг I/D полиморфизмининг функционал жиҳатдан салбий D аллели ва D/D генотиби СЮЕ ривожланиш хавфининг ортиши ва салбий кечишининг муҳим детерминанти деб ҳисоблаш мумкин.


СЮЕ билан касалланган беморларда ААФ генининг I/D полиморфизмининг аллеллари ва генотипларини тарқалиш хусусиятларини хКФТ га қараб баҳоланди. ААФ генининг I/D полиморфизми I ва D аллелларининг учраши КФТ  $\leq 60$  мл/дақиқа бўлган СЮЕ билан касалланган беморларда 43,3% ва 56,67%ни ташкил этди (3-расм). Бу кўрсаткичлар назорат гуруҳида мос равишда 59,8% ва 40,2% ни ташкил этди. Ҳисобланган коэффицентлар нисбатига кўра, салбий D аллелини ташувчиларда буйраклар дисфункцияси ривожланиш хавфи I аллелини ташувчиларга қараганда 1,5 баробар ишончли даражада юқори эди ( $\chi^2=5,5$ ;  $p<0,05$ ; R=79.8; 95% CI 10.7-590.6).



Изоҳ: - гуруҳлар ўртасидаги ишончлик: \* -  $p < 0,05$

3-расм. СЮЕ билан касалланган беморлар гуруҳларида ААФ генининг I/D полиморфизми аллелларининг тақсимланиш частотаси

ААФ генининг I/D полиморфизми генотипларининг учрашига кўра,  $\chi\text{КФТ} \leq 60$  мл/дақиқа бўлган беморлар гуруҳида гетерозигот I/D ва D/D генотипларининг учраши назорат гуруҳига нисбатан мос равишда ишончли юқори бўлди (назорат гуруҳидаги учраши 25,5% ва 27,5%) ҳамда 30,67 ( $\chi^2=3,3$ ;  $p=0,06$ ;  $OR=1,3$ ; 95%  $CI 0.5819-2.87$ ) ва 41,33% ни ( $\chi^2=3,5$ ;  $p=0,05$ ;  $OR=3,7$ ; 95%  $CI 0.8641-4.012$ ) ташкил этди (4-расм). Шу билан бирга, ААФ генининг D/D генотиплари учраши бўйича КФТ 60 мл/дақиқадан кам ва ундан кўп бўлган беморлар гуруҳида қиёсланганда улар орасида ишончли фарқлар аниқланди ( $\chi^2 < 3.8$ ;  $p < 0,05$ ).



Изоҳ: - гуруҳлар ўртасидаги ишончлик: \* -  $p < 0,05$


4-расм. СЮЕ билан касалланган беморлар гуруҳларида ААФ генининг I/D полиморфизми аллелларининг тақсимланиш частотаси

Шундай қилиб, ААФ генининг I/D полиморфизми аллеллари ва генотипларининг тақсимланиш частотасининг молекуляр генетик таҳлили СЮЕ билан касалланган беморларда D аллели ва D/D генотипининг СЮЕ ФС га

боғлиқлиги ҳамда нафақат СЮЕда буйраклар дисфункцияси ривожланиш хавфи билан, балки СЮЕ кечиши оғирлик даражаси билан ҳам муҳим ассоциацияси аниқланди. Буйраклар дисфункцияси билан кечувчи СЮЕда ААФ генининг D аллели ва D/D генотипини касаллик ривожланиши ва нохуш кечишининг генетик омили сифатида қабул қилиниши мумкин.

СЮЕ билан касалланган беморларда ААФ ингибитори - лизиноприл ва ангиотензин рецепторлари блокатори - лозартаннинг нефропротектив самарадорлигини баҳолаш мақсадида беморлар 2 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ - 69 та беморга лизиноприл тавсия этилди ва 2-гуруҳ - 67 та беморга лозартан тавсия қилинди.

